

А Ж Р И М

(қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида)

2023 йил май ойининг 29 куни соат 17 дан 20 дақиқа ўтганда, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, суд биносида, ёпиқ суд мажлисида, шаҳар судининг судьяси Б.Қурбоновнинг раислигида, С.Мирзаназарованинг котибалигида, Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари А.Мавлоновнинг иштирокида, айбланувчи О.Сулейманова ва ҳимоячиси адвокат А.Нормирзаевнинг қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланаётган:

Сулейманова Ойшахон Ёқубжон қизи – 27.08.1993 йилда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, вақтинча ишсиз, Сирдарё вилояти, Бахт тумани, Орзу МФЙ, Риск-рўз кўчаси, 15-уйда яшаган, 2023 йил 26 май куни соат 20 дан 38 дақиқа ўтганда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, 2023 йил 27 майда қамоқда сақлаш муддати 48 соатга узайтирилганга нисбатан

Наманган вилоят прокурори ўринбосарининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномаси кўриб чиқилиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И :

Илтимосномада кўрсатилишича, О.Сулейманова у 2023 йил 22 май куни Наманган тумани, “Муллакудинг” МФЙ, Булоқ кўчаси, 15-уйда яшаган, 10.02.1957 йилда туғилган Джамила Абдуллаевна Азизованинг яшаш хонадонига ўғирлик қилиш мақсадида келиб, уй атрофида одамлар кўплиги сабабли уйга ўғирлик қила олмасдан қайтиб кетган.

Шу тариқа, О.Сулейманова ўзининг жинойий режасини амалга ошириш мақсадида 2023 йил 23 май куни ҳам бувиси Д.Азизованинг яшаш хонадонига олдиға келиб, уйга яширин равишда кириш учун қулай вазият кутиб турган ва уй атрофида одамлар кўплиги сабабли уйга кира олмасдан қайтиб кетган.

Шундан сўнг, 2023 йил 24 май куни соат 17:00 ларда яна ўғирлик қилиш мақсадида, бувиси Д.Азизованинг яшаш хонадонига келиб, уйга яширин равишда дарвоза орқали кириб молхонасининг том қисмига жойлашиб, 2023 йил 25 май куни соат 14:30 га қадар ўғирлик қилиш учун қулай вазият бўлиши кутиб ўтирган.

О.Сулейманова бувиси Д.Азизованинг уйида ундан бошқа ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, молхонанинг том қисмидан пастга тушиб, ўзини таниб қолмасликлари ҳамда ўзидан из қолдирмасликни ўйлаб, юзига тиббий ниқоб, қўлларига эса резина тиббий қўлқопларни тақиб хоналарнинг ичига кириб, пул ва қимматбаҳо буюмларни олиш учун шкаф ва сандиқлар ичидан қидириб топа олмаган.

Сўнг, у бувиси Д.Азизова ухлаб ётган хонадан пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни сандиқдан ўғирлаш учун, сандиқни бузиш мақсадида ушбу хонадонинг ертўла қисмидан 1 дона темирдан ясалган



болға ва бир дона пиштган ғиштни олиб, уй ичига кириб, сандиқни болға билан бузмоқчи бўлганида, сандиқ қулфланмаган ҳолатда эканлигини кўриб, сандиқ устида кўрпачаларни ерга тушириб, ичидан мато буюмларни олаётган вақтида, бувиси Д.Азизова уйғониб қолиб, ёрдамга одамларни чақирмоқчи бўлганида, кўлида бўлган темир болға билан бувисининг бош қисмига 2-3 маротаба уриб, уни туртиб ерга йиқитган ҳолатда кўкрак, юз ва кўлларига пичоқ билан уриб ўлдирган.

Республика суд тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Наманган вилояти филиалининг 25.05.2023 йилдаги дастлабки хулосасида, Д.Азизованинг танасида жами 20 та, бош қисмида қаттиқ предметдан етказилган 6 та, юзининг чап томонида 3 та, кўкрак соҳасида 9 та, ўнг кўл кафтида 1 та, чап кўл билагиди 1 та ўткир тиғли жисм ёрдамида етказилган, санчилган-кесилган жароҳатлар аниқланганлиги, бу жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича ўлимига сабабчи бўлувчи оғир тан жароҳати эканлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан О.Сулейманова 2023 йил 26 май куни соат 20 дан 38 дақиқа ўтганида ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланиб, 2023 йил 27 май куни унга нисбатан ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан айб эълон қилинган.

Прокурор илтимосномада, айбланувчи О.Сулейманова ўта оғир турдаги жиноятни содир этганлиги, терговни чалғитиб, гувоҳларни ҳақиқатни баён қилмаслигига кўндиришга уриниши, тергов ва суддан яшириниши мумкинлигини, келгусидаги жиний фаолият билан шуғулланишга барҳам бериш, далилларни йўқ қилиши ва яширишини олдини олиш инobatга олиб, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни сўраган.

Суд мажлисида айбланувчи О.Сулейманова ва ҳимоячиси адвокат А.Нормирзаев айбланувчи О.Сулейманованинг тергов ва суддан яширинмаслиги, яшаш жойи аниқлиги, терговга ўз вақтида етиб келиши ва бошқа ҳолатларни инobatга олиб, киритилган илтимосномани қаноатлантиришни рад қилишни сўрашди.

Суд, илтимосномада келтирилган важларни ва унга илова қилинган хужжатларни ўрганиб чиқиб, Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари А.Мавлоновнинг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини, ҳимоячи адвокат А.Нормирзаев ва айбланувчи О.Сулейманованинг илтимосномани қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисидаги талабларини тинглаб, айбланувчи О.Сулейманова томонидан ўта оғир турдаги жиноят содир қилингани, тергов ва суддан яшириниши мумкинлигини инobatга олиб, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишига йўл қўймаслик мақсадида, унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра суд, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 423, 242-243-моддаларига амал қилиб, ажрим қилади

А Ж Р И М :

Наманган вилоят прокурори ўринбосари томонидан киритилган илтимоснома қаноатлантирилсин.



Айбланувчи Сулейманова Ойшахон Ёқубжон қизига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилсин.

Айбланувчи О.Сулейманова қамоққа олинсин ва сақлаш учун Наманган вилояти ИИБ 6-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Ажрим эълон қилингандан бошлаб қонуний кучга киритилсин ва дарҳол ижро этилсин.

Ажрим ижро учун прокурорга, маълумот учун айбланувчи ва ҳимоячиси адвокатга юборилсин.

Ажрим устидан эълон қилинган пайтдан бошлаб 72 (етмиш икки) соат ичида апелляция тартибида Наманган вилоят судига шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи, судья:

Б.Қурбонов



Ҳужжат имзоланган: Қурбонов Баҳодир Ибодиллоевич, 01.06.2023



Ҳужжат имзоланган: Қурбонов Баҳодир Ибодиллоевич, 01.06.2023

